



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (13.751)

Баҳоси эркин нарҳда

ҲАР БИР ТАРМОҚ, ҲУДУД ВА ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август кун
мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш
масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрор-и Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан ўтган ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 64 миллиард долларлик 849 лойиҳа рўйхати шакллантирилди. Уларнинг 456 тасини 2018 йилда, 125 тасини 2019 йилда, 268 тасини истиқболда амалга ошириш белгиланган.

Президентимиз жорий йилда 5 миллиард 800 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу борада тартиб-интизом ва самарадорликни таъминлаш мақсадида жорий йилга белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун нафақат Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва тармоқ идоралари раҳбарлари, балки Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, қўмиталар раислари ҳамда Президент давлат маслаҳатчилари шахсан масъул этиб бириктирилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир бarcha инвестиция лойиҳаларига умумий раҳбарлик қилиш билан бирга, 144 та лойиҳа, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари 18 та лойиҳа бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишига бош-қош бўлади.

Йиғилишда инвестицияларни жалб этиш бўйича ижро натижаси қоникарсиз экани қайд этилди. Масалан, Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан бажарилиши режалаштирилган ишлар ҳақида 7 фоизгагина етган. Вилоятлар кесимида оладиган бўлсак, мисол учун, Хоразмда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қиймати атиги 10 миллион долларни ташкил этади. Бу мамлакат бўйича энг паст кўрсаткичдир.

Йиғилишда қайси раҳбар қандай инвестиция

лоийҳаларига масъул экани, уларнинг қиймати ва бажарилиш муддатлари бирма-бир муҳокама қилинди. Тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш ҳолати бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни вақтида ва сифатли бажариш, янгиликларни ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди. Бунинг учун жадвал асосида ҳар ҳафта ҳудудларга чиқиш, лойиҳа ташаббускорлари билан алоқада бўлиш ва уларнинг муаммоларини аниқлаш, автоматлаштирилган мониторинг тизимини жорий этиш, жойларда ҳалқаро инвестиция форумларини ўтказиш лозим.

– Лойиҳаларни амалга ошириш мониторингини автоматлаштирилган тизимга ўтказмас эканмиз, бу борадаги муаммоларни ўз вақтида аниқлай олмаймиз. Бу тизим тўғридан-тўғри хорижий сармоя киритаётган инвесторларга амалий кўмаклашиши, уларнинг ишини оsonлаштириши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ой охирида Жиззахда ҳалқаро инвестиция форуми ва Товар ишлаб чиқарувчиларнинг миллий кўргазмасини ўтказиш кўзда тутилаётганини қайд этар экан, мазкур тадбирларни юксак савияда ўтказиш учун барча чоралар қўрилиши зарурлигини таъкидлади. Ҳар бир вазирлик, ҳокимлик ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўзи масъул бўлган тармоқ, ҳудуд ва соҳа бўйича махсус тақдимотлар тайёрлаб, ушбу форумда намойиш қилиши, мамлакатимизнинг хориждаги элчихона ва ваколатхоналари бундай анжуманларда қатнашиш учун камида 4-5 тадан саноҳиятчи инвесторларни топиши керак.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг хорижий давлатларга қилган хизмат сифатлари натижаларига ҳам эътибор қaratилди.

Аввал берилган топшириққа мувофиқ, Илчи гуруҳ томонидан бу борадаги ишлар ўрганилган, хусусан, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республи-

касида бир қатор тизимли муаммолар аниқлангани қайд этилди. Ушбу ҳудудларда фармацевтика, электротехника ва машинасозлик соҳасида кенг имкониятлар мавжуд бўлса-да, асосан, қурилиш материаллари ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни қайта ишлаш лойиҳалари билан чекланилгани танқид қилинди. Юқори технологик тармоқларга асосланган лойиҳалар бўйича ҳеч қандай таклиф киритилмаган.

Кўпчилик делегация аъзоларининг мақсадли дастури бўлмагани, чет элликларга ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти бўйича аниқ маълумотлар берилмагани, айрим қелишувлар қoғoзda қилиб кетаётгани кўрсатиб ўтилди. Масалан, жорий йилнинг март ойда Бельгияга борган Наманган вилояти делегацияси Норин туманида 200 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплексини ташкил этиш бўйича 3 миллион долларлик лойиҳа қелишувини имзолаган. Бироқ, орадан 5 ой ўтганига қарамасдан, уни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай иш бошланмаган.

Инвестиция қулай муҳитини талаб қилади. Мамлакатимизда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш борасидаги ишлар жадал давом этмоқда. Лекин вазирлик ва идораларда, ҳокимликларда бугунги кун, яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган инвестициявий стратегия йўқ, яъни ташаббускорлик кўзга ташланмаяпти.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлиги маҳаллий делегацияларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари олдидан ташрифнинг мақсади, таклиф этилаётган лойиҳалар ва қўтилаётган амалий натижалар бўйича тақдимот ўтказиш тартибини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Хизмат сафаридида эришилган қелишувлар бўйича "йўл хариталари" ва тармоқ жадваллари ишлаб чиқиш ҳамда қатъий ижро этиш, тармоқ ва йўналишларни назарда тутувчи Инвестициявий стратегия лойиҳасини тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармони инвесторлар фаолиятига бўлган эътибор ва уларнинг эркин ишлаши учун зарур енгилликлар яратиш йўлида муҳим қадам бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН – ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ ВА ХАВФСИЗ ДАВЛАТ

...АҚШнинг "Air Products" компанияси ижрочи директори, президенти ва директорлар кенгаши раиси Сейфи Гасеми мамлакатимизга инвестиция киритиш борасида қарор қабул қилганини ҳукумати-миз томонидан амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан боғлаган. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон, Хитой, Саудия Арабистони, Россияни компания раҳбарияти истиқболли ва хорижий инвесторлар учун хавфсиз давлатлар, деб тан олган.

"Air Products" компанияси "Macro-Advisory" consulting компаниясини жалб қилган ҳолда дунёнинг истиқболли дав-

латларини аниқлаш мақсадида мустақил аудит ўтказган. Унга кўра, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, хусусан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва қафолатлаш, инвесторлар, ишбилармонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, молия, суд соҳасидаги ўзгаришлар, энг муҳими, коррупцияга қарши кураш механизмни жорий этиш борасидаги саяё-ҳаракатлар самарасида Ўзбекистон нафақат минтақада, балки бутун дунёда инвестиция киритиш бўйича энг истиқболли давлатлардан бири, деб топилган.

(Давоми 2-бетда)



Мамлакатимизда

• Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуг, энг азиз" танловининг Сирдарё вилояти босқичи голиблари тақдирланди. Ижодий танловда "Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" деган гоияни ўзида мужассам этган, амалга оширилаётган изчил ислохотлар мазмун-моҳиятини, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳаётий мисоллар асосида очиб берувчи турли йўналишлар бўйича 60 муаллифнинг 400 дан зиёд ижодий иши қўриб чиқилди.

• Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида Бухоро шаҳрида лойиҳа қиймати 55 миллиард сўмлик 10 та қўп қаватли уй-жой фойдаланишига топширилди. Таъкидлаш жоиз, ўтган йил декабрь ойда 7-мавзеда илк бор жами 252 хонадонли 6 та қўп қаватли уй қурилган эди. Бу гал эса 420 оилага янги уй қалитлари топширилди. Бу улар учун чинакам байрам совғаси бўлди.

• Термиз шаҳридаги Ибн Сино кўчасида беш қаватли замонавий турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Вилот марказининг бош режаси асосида қад ростлаган янги қўп қаватли уйни "Пахлавон" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қисқа муддатда сифатли бунёд этди. Бунинг учун тижорат банкининг 14 миллиард 500 миллион сўм кредит маблағи сарфланди.

• Фарғонада "Меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини ҳолис ёритиш ва ахборотни ўз вақтида тақдим этиш механизмлари" мавзусида семинар тренинг ўтказилди. "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан Фарғона вилояти ҳокимлиги би-

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

Биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдирини унун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт го ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

Иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузувчи гоьларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

Учинчидан, ўкувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-қўнғилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғралаклари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

Тўртинчидан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий маъвеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рабатлантириш тизими бўғунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш ав-

лодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

Бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

Олтинчидан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилиётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзга чиқармоқда.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада тақомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилар касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қўйидаги устувор йўналишларни назарда тутувчи Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

ёшларни ёт гоьлар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;

педагог ҳодимларнинг кадр-қиймати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

(Давоми 2-бетда)

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ВА ҚҮРБОН ҲАЙТИ БАЙРАМИ МУНОСИБ ЎТКАЗИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси
Бош вазир А.Арипов раҳбарлигида 2018 йил
август ойида мамлакатимизнинг барча
ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик
ойлиги, 18-19 август кунлари умумхалқ хайрия
ҳашарини ташкил этиш ва Қурбон ҳайитини
нишонлашга тайёргарлик кўриш, уни муносиб
ўтказиш масалаларига бағишланган
видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда
вазирлик ва идоралар раҳбарлари, тегишли
ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

Дастлаб, 18-19 август кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарини муносиб ташкил этиш билан боғлиқ масала тўхталиб ўтилди.

Мустақиллигимизнинг йиғирма етти йиллиги ва Қурбон ҳайити байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига алоҳида дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, ҳалқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, ёшларимизни юксак инсоний туйғулар руҳида ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва республиканинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида 2018 йилнинг август ойи мам-

лакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик ойи деб эълон қилинди. Ҳашар кунлари аҳоли, айниқса, ёшлар онгига "Ободлик кўнглидан бошланади" деган гоияни чуқур сингдириш, ўз уйини, маҳалласини, иш жойини тоза, озода сақлаш, обод бўлишига ҳиссасини қўиш, бу жараёнларга маҳалла аҳолиси, корхона ва ташкилотлар ишчи-ҳодимларини уюшган ҳолда, жамоа бўлиб иштирок этишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда таъкидланганидек, ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш доира-сида маҳаллалар, аҳоли пунктлари, қўп қаватли уйлар ва бинолар, ҳовилилар атрофи, гузарлар, хиббонлар, зиёратгоҳ, қабристон ва муқаддас қадамжоларни тартибга келтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

(Давоми 2-бетда)

лан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги оммавий ахборот воситалари ҳамда Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вакиллари иштирок этди.



• Канада гарбида тобора авж олаётган ўрмон ёнғинлари сони 600 тага етди. Ҳозирда ёнғин ўчоқлари атрофида истиқомат қилаётган 3000 дан ортиқ аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

• Тожикистон фавқулодда вазиятлар қўмитасининг маълумотига кўра, вертолётнинг тоққа қаттиқ қўниши натижасида унинг бортидаги уч нафар альпинист ва ҳаво кемасининг икки нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлган. Яна тўрт нафар альпинист эса оғир аҳволда.

• Россиянинг Қурган шаҳрида истиқомат қилувчи шахс Telegram тизими орқали экстремизмни тарғиб этгани учун икки йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ
ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ
ЖИХАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

2. Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши (А.Н.Арипов):

вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда Дастурнинг амалга оширилиши бўйича ишчи гуруҳларни ташкил этсин, уларнинг самарали ишлашини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин; таълим-тарбия соҳасида қонун бузилиши ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш, жойларда ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин.

3. Умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари:

а) 2018 йил 1 сентябрдан: бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 баравагарча; юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 баравагарча; директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирилари ва кутубхоначилари учун 1,1 баравагарча оширилсин.

б) 2019 йил 1 январдан: олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 баравагарча; биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 баравагарча; иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 баравагарча; мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 баравагарча; директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудирилари ва кутубхоначилари учун 1,1 баравагарча оширилсин.

4. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида, улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги қуйидагича белгилансин:

250 нафаргача – 1 штат бирлигида;
250 нафардан 800 нафаргача – 1,5 штат бирлигида;
800 нафардан 1600 нафаргача – 2 штат бирлигида;
1600 нафардан 3000 нафаргача – 2,5 штат бирлигида;
3000 нафар ва ундан ортиқ – 3 штат бирлигида.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотли психологлар учун базавий тариф ставкалари 2018 йил 1 сентябрдан ушбу муассаса мутахассис ўқитувчилар базавий тариф ставкаларининг 90 фоизига тенглаштирилсин, 2019 йил 1 январдан эса 1,1 баравагарча оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 ноябрга қадар мuddатда ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг дарс ва тўғрақ машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналини юритишдан ташқари бошқа педагогик юктамалар бўйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъиян тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган педагог кадрларни фаолиятининг натижавийлиги асосида рағбатлантиришнинг шаффоф тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши икки ой мuddатда:

худудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида соғирини ўринларини қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга энг кам иш ҳақининг 5 баравагардан 50 баравагаргача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибини;

умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва асосий фаолияти бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини;

таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган, давлат мукофотлариغا сазовор бўлган педагог кадрларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида қарашли санитарий-соғломлаштириш муассасаларида имтиёзли шартларда соғломлаштириш тартибини назарда тутиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, "Ўзшаҳарқурилиш-вест" ва "Қишлоққурилиш-вест" инжиниринг компа-

ниялари билан биргаликда икки ой мuddатда ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилатган арзон уй-жойларнинг бир қисmini халқ таълими тизимидagi педагог ходимларга 20 йил мuddатда, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридa дастлабки бадали 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида бериш, шунингдек, "Хар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида педагог ходимларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик мuddатда, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 фоиз ставка миқдоридa кредитлар бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда Халқ таълими вазирлиги ҳузурида халқ таълими тизимидagi ходимлар учун ипотека кредити, автотранспорт воситаси сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун истеъмол кредитлари беришчи молиялаштириш бўйича махсус жамғармани ташкил этиш, унга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллар и ажратиш ҳамда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этишни назарда тутишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича халқ таълими тизимидagi педагог ходимларга истеъмол кредитлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари сотиб олиш учун махсус жамғарма ҳисобидан қуйидаги шартларда кредитлар бериш тартиби ўрнатилсин: кредитни бериш мuddати – 1 йил имтиёзли давр билан 5 йил мuddатга;

дастлабки бадал суммаси – сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизи; кредит учун фоиз ставкаси – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида кўп бўлмаган миқдорда.

"Ўзавтосаноат" АЖ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган педагог ходимлар рўйхати асосида улар томонидан тижорат банклари кредитлари ҳисобига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой мuddатда халқ таълими соҳасида баркамол авлодни вояга етказишда фидокорона меҳнат қилаётган, ёшларни ватанпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган халқ таълими тизими ходимларини тақдирлаш учун давлат мукофоти таъсис этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2018-2020 йилларда педагогик касбининг юксак ижтимоий мавқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи "Ўқитувчи ва мураббийлар хиббонлари"ни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон уюшмаси, "Хўнариш" уюшмаси билан биргаликда бир ой мuddатда "Ўқитувчи ва мураббийлар хиббонлари"нинг концепцияси ва намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, шу жумладан, итисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият мактаб-интернатлари, олимпиада захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларига аъло билими, намунали ҳуқуқи ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бериладиган олтин ва қумуш медаллари таъсис этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

олтин медал умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан оралик, яқини назоратлари, чораклик ва йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали ҳуқуқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади;

қумуш медал умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали ҳуқуқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аъло баҳоларга ўқитганлиги, намунали ҳуқуқ-атвори ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун олтин ва қумуш медал билан тақдирлаш тартибини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим, мактабдан ташқари таълим соҳасига давлат-хусусий шерикликнинг жорий этилиши борасида мавжуд аҳолини ва илгор хорижий давлатлар тажрибасини, жумладан, жойига чиққан ҳолда ўрганиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, тасарруфидa олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда икки ой мuddатда жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингидa 1000 талик рўйхатга кирадиган хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг филиал (факультет)ларини Ўзбекистон Республикасида лицензия олмаддан ва бошқа имтиёзли шартларда ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ҳамда аниқ тақлифлар қилсин.

16. Қуйидагилар тақлиқлансин:

халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда қўламазорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш;

халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обунa бўлишини ташкил этиш;

халқ таълими муассасалари фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асосларга ва ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текшириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавабгарликка тортилиши ҳақида қатъий оғоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда педагог ходимларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Халқ таълими вазирлиги, унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ташкилий тузилмасини қайта қўриб чиқиш ва шатлар сонини мақбуллаштириш орқали таълим соҳасига бошқарувнинг илгор услубларини жорий этиш юзасидан тақлифлар қилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда умумий ўрта таълимнинг амалдаги таянч ўқув режасини қайта қўриб чиқиб, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб 10 фоизга қисқартириш ҳамда мазкур фанлар бўйича дарс соатлари қисқартирилган мутахассисларни талаб юқори бўлган бошқа ўқув фанларга бепул қайта тайёрлаб ўтказиш юзасидан тақлиф қилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор ва дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин ҳамда 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тусин.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қилсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А.А.Абдувахитов ва Қ.Қ.Кураббаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухалимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 август

байрамона ўтишини таъминлаш лозимлиги, намоз ўқиладиган масжид ҳудудида автомобиль қатновини чеклаш, автотураргоҳларда хавфсизлик чораларини қўриш зарурлиги қайд этилди.

Бозорларда савдо хизматини юқори савияда йўлга қўйиш, нарх-наво сунъий равишда ошишининг олдини олиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Меҳрибонлик, Муруват, Саховат уйлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий қўмак бериш, меҳр-муруват кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилат эканлиги таъкидланди. Ушбу муобрак байрамни муносиб нишонлаш бўйича аниқ топшириқ ва вазифалар берилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН –
ИНВЕСТИЦИЯЛАР
УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ
ВА ХАВФСИЗ ДАВЛАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Албатта, ҳар бир инвестор бирон бир давлатга сармоя киритиши учун у ердаги муҳитни жаноб Гасемидек обдон ўрганиб чиқади. Қонун-қондаси, яратилган шароит ва натижаси эса жуда муҳим.

Шу маънода Президент фармонида инвестор талаб ва истиагига мос қатор қафолат ва имтиёзлар яратилди. Масалан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улущининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдори 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача камайтирилди. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш имкони яратилди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдори уч баравагарча туширилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб инвестициявий фаолиятни амалга ошириш учун ер участкаларини ажратишнинг янги механизми жорий этилади. Унга кўра, тадбиркорларга ер участкаси 50 йилгача ижарага берилади. Энг муҳими, унда маҳаллий ҳокимликларнинг инвесторлар билан ишлаш бўйича ҳам янги тартиб кўрсатиб ўтилган. Дейлик, инвестор ва тадбиркорлик субъекти давлат органи ёки мансабдор шахс қабул қилган маъмурий ҳужжат асосида иш бошласа, бироқ юқори орган ушбу қарорни ноқонуний деб топса, бу ҳолатда тадбиркорга етказилган зарар тўлиқ қопланиб бериш имконияти яратилди.

– Мамлакатимизда тадбиркорларни, хусусан, инвесторларни ҳар жиҳатдан қўллаш, уларга имкониятлар яратиш бугуннинг муҳим вазифасига айланмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ходими Отажон Пирманов. – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органидир. Қўмитамиз ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, хусусан, халқаро ташкилотлар, халқаро молия институтлари, чет эллик инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг инвестициявий тақлифлари ўрганилмоқда. Инвестиция бўйича мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида ҳар ҳафтанинг пайшанба кўни йиғилиш ўтказилади. Бунда инвесторлар ўз режалари ва муаммоларини ҳал этишга муваффақ бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги саноатнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи бўйича республика ҳўжалик бошқаруви органи бўлган "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарнинг аксарияти ва тармоқ корхоналари фаолияти ҳам хорижий сармоя билан чамбарчас боғлиқ. Бунда янги қувватларни ишга тушириш, янги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга инвестиция маблағини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Фориш туманида "Mega invest industrial" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасида 15,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi чет эл инвестицияси ўзлаштирилши эвазига йилга 3 минг тонна базальт толасидан арматура ишлаб чиқариш режалаштирилган. Лойиҳанинг биринчи босқичида 10,5 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди ҳамда 900 тонна базальт толасидан арматура ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 90 та янги иш ўрни яратилди.

Сир эмас, бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш материалларига бўлган талабнинг кундан-кунга ортиб бораётгани туфайли бу каби қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга. Шу боис янги қувват нафақат маҳсулот турининг кўпайиши, балки янги иш ўрнларининг яратилишида муҳим омилдир.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида "Mingyuan silu industry" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасида йилга 24 миллион квадрат метр ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича жами 110 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 56,1 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир.

Эътиборли жиҳати, корхона нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бундай имконият корхона фаолиятини кенгайтириш ва маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишда яхши натижа беради. Безакли қурилиш ойна маҳсулотларини Қозғистон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлар, хорижий инвесторлар учун яратилган шароитлар, енгиллик ва устуворликлардан уларни етарли хабардор қилиш ҳам инвестициялар оқимининг иқтисодийетимиз тармоқлари сари йўналтирилишида асосий манбадир.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ВА ҚУРБОН
ҲАЙИТИ БАЙРАМИ МУНОСИБ ЎТКАЗИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Баъзи қабристонлар ва зиёратгоҳлар ачинарли аҳолга тушиб қолганлиги, тартибга келтирилмаганлиги, шунингдек, баъзи хиббонлар, дам олиш ва истироҳат боғларининг аҳоли талабга жавоб бермаслиги танқид қилинди. Бунинг учун аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида экологик маданиятни юксалтириш зарурлиги айтилди.

Қайд этилганидек, жорий йилда ариқлар, дарё ва сув ҳавзалари атрофларини тозалаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Ҳашар қўнлари республикамизнинг барча ҳудудларида каналлар, ариқлар, зовурлар атрофини махсус техника-

лар жалб этган ҳолда тозалаш ишларини ташкил этиш юзасидан жойлардаги ҳокимликларга топшириқлар берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қўмаклашиш бўйича ҳам зарур топшириқлар берилди. Умумхалқ хайрия ҳашари қатнашчиларини зарур техника воситалари ва анжумлар билан таъминлаш кераклиги айтилди. Ички ишлар вазирлигига умумхалқ ҳашари қўнлари жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар берилди.

Йиғилиш давомида Қурбон ҳайитини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни муносиб ўтказиш масалаларига тўхталиб ўтилди. Жумладан, ҳайит намози вақтида жамоат тартибини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтилди.

Қурбон ҳайити муносабати билан ҳайит намози ўқиладиган 2 мингга яқин масжидларда, 8,5 мингдан ортиқ муқаддас қадамжоларда, қабристонларда, шунингдек, истироҳат боғлари, бозорлар ва одамлар гавжум бўладиган жойларда аҳоли учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш талаб этилади.

Қурбон ҳайитининг жойларда, қўнариники руҳда, тартибли ва халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда

ЎЗА мухбирлари бу саволга жавоб топиш учун пойтахтимизда ташкил этилган мактаб ярмаркаларида бўлди.

“Чорсу” бозорида ташкил этилган мактаб ярмаркаси харидорлар билан гавжум. Тадбиркорлар томонидан тавсия қилинаётган ўқув қуроллари, мактаб учун зарур бошқа анжомлар, кийим-кечаклар нархи билан қизиқди.

Ўзимизни таништирдик-да, махсулотлар нархини сўрадик. 12 варақли дафтар 400 сўм, 48 варақли дафтар 1500 сўм, расм дафтарлари 2000 сўм экан. Сотувчининг гапларига ишонган эдик ҳамки, шу пайтда бизни ҳам харидор, деб ўйлади шекилли, навбат рангли қаламларга қолганида унинг шериги “беш минг сўмдан бошланади”, деди. Шунда биз сўбатлашавтган сотувчи унга таҳдидли оҳангда гапга аралашмаслигини таъкидлади.

Англадикки, сотувчиларимиз ҳам ўз ишига виждонан ёндашаётгани йўқ. Ким эканимизни билган, ҳатто алдашга ҳам уринишмоқда. Шундан сўнг бошқа сотувчилар билан харидор каби муомалага киришдик.

Мактаб сумкаларининг нархини билишга қизиқдик. – 65 минг сўмдан бошланади, 165 минг сўмгача боради, хоҳласангиз бундан ҳам қимматроқларини кўрсатаман, Хитойники, – деди бир сотувчи.

Расм дафтарларининг энг кичиги 4,5, 36 варақли дафтар 1,5, 48 варақли дафтар 1,7 минг сўм, рангли қаламларининг энг арзони 10 минг сўмдан бошланишини айтишди.

Маълум бўлдики, ота-она битта фарзанди учун керакли ўқув қуролларининг ўртача нарҳдагисидан оладиган бўлса, тахминан 200 минг сўмдан ошади. Унга сумка ва кийим-кечакни ҳам қўйсангиз, камиди 700-800 минг сўм керак бўлади.

Сотувчилар харид қилганингизда нархи арзонига уммаслиқни, улар сифатсиз эканини кўп такрорлайди. Шундай пайтда сотувчига қараб “рахмат-э, виждонингиз уйғок экан!” деб юборасиз. Аммо яқинда ўқув қуроллари ишлаб чиқаришда бўлган бўлса, тахминан ёхуд четдан олиб келаётган тадбиркорларга нима дейсиз? Хар қалай, раҳмат айтмаслигингиз аниқ.

Агар битта фарзандингиз мактабга борса хўп-ўш, улар иккита бўлса-чи ёки учта бўлса учун қанча харажат қилишинингиз энди айтмасак ҳам қанча била.

Имконияти етган ота-она фарзанди учун қилар, аммо беш қўл баравар бўлмаганидек, бунга ҳамма юрдошимизнинг ҳам қурби етмаслиги сир эмас. Яқинроғидан олиб берай деса, чўнтак кўтармайди, сифатли нарса эса қиммат, фарзандининг кўнгли ўқисиш эса яна аламли.

– Тўртта набирамга мактаб бозори қилман, – дейди Нигора ая Бўронова. – Биттасиники енгилроқ, бу йил 1-синфга чиқапти. Қолганлари юқори синфларда ўқийди. Ўғил набирамга мактабдан тўқ қўқ рангли нимча ва шим олишни айтишди. Сўраб кўрсак, икки юз минг сўм, дейишяпти. Бу қиммат-ку! Унинг кўйлаги, костоми, спорт кийими каби қўшимчалари ҳам бор. Ҳаммасини ҳисобласак қанча бўлади. Келиним ва ўғлим икки ойдан буйи мактаб бозорига, деб пул йиғади. Ўзим ҳам пенсиямдан қўшимча қилаялман. Қимматлигини айтсангиз сотувчилар “четдан келтирилган”, дейди. Ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар қаердан олиб келинаётган бўлса ҳам арзонроқ ва, муҳими, бир хил нарх бўлиши тарафдориман.

Ўқув қуролларининг сифатига ким жавобгар?

Хар йили 10 августдан 10 сентябргача ташкил этиладиган мактаб ярмаркаларини ҳам кутмасдан, тадбиркорлар июль ойиданоқ барча ҳаёлларда мактаб учун керак бўладиган буюмлар савдосини бошлаб юборди, савдо эса авжига чиқди. Нимаким актасангиз, истаганингиздан ҳам зиёди бор. Аммо уларнинг сифати қандай?

– Ўғлимга устози айтганидек, ёзув ва математика дафтари олиб бергандим. Қоғози жуда силлиқ, Шундан сифати жуда юқори, деб билдим. Аммо фарзандим ёзишга жуда қийнади, – дейди Шоира Ўзқонова. – Турли хилдаги ручкалардан олиб бердим. Қизик, ручка ёзмайди. Бошида фақат менинг ўғлим шундай қийналяпти, деб ўйладим. Устозидан сўрасам, бошқа болаларда ҳам шундай муаммо бўлаётган экан. Сабабини била олмадим. Айб дафтардадими ёки ручкада? Ўза олмасан, фарзандим ҳам тез-тез асабланишадиган бўлди.

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, улар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Аммо бу ишончини суиистеъмол қилаётганлар ҳам учраб турибди. Бугунги кунда енгилнинг

остида, оғирнинг устида юриб, кун кўрадиган “тадбиркорлар” ҳам бор. Имконият ва имтиёзлар ҳеч қимга истаганини қилиш, амалдаги қонунларни оёқости этиш ҳуқуқини бермайди. Улар ўзларининг номақбул фаолиятини тадбиркорлик, дея хаспўшлашга ҳам ҳақли эмас.

Фақат ўзини ўйлаб, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун кўраётган айрим “устомон тадбиркорлар” ўқув қуролларини ноқонуний чоп этиб, сотувга чиқармоқда. Бу фарзандларимизнинг билим олиш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Биз сифатли деб ўйлаётган ва сотувчилар, педагоглар томонидан тавсия қилинаётган ўқув қуроллари ҳар доим ҳам сифатли бўлавермайди.

– Ҳозир ташкил этилаётган мактаб ярмаркаларидан олганимизнинг ўзи йил давомида етмайди, – дейди Шаҳноза Элбекова. – Ўтган йили 300 минг сўмлик ўқув қуроллари, кийим-кечак, сумка олгандик. Сотувчи менга 60 минг сўмдан сумка тавсия қилганди. “Қимматда бир гап бор”, деб 85 минг сўмликдан олиб бердим. Иккинчи чорак якунига ҳам етмасдан чокларидан йиртилиб, узилди кетди. Ўқув қуроллари ҳам етарли бўлмади. Йил ярмида яна камини тўлдирдик. Ўшанда сумкани ўзимизда ишлаб чиқарилганини айтишганди. Қўринишдан сифатлидек эди. Аммо...



олиш учун бордим, – дейди Мохира Хидирова. – Сотувчиларнинг ҳар бири арзон нарҳларда ҳисоб-китоб қилишини айтиб, қаҳра бошлади. Уларда бир хил нарсанинг нархи ҳар хил. Бошида ўзим ҳам тушунмай жуда қийналдим. Хар бирида нарҳлар ҳар хил, аммо ҳисоблаганда деярли бир хил сумма келиб чиқди. Шундай экан, уларга харидорни ҳар томонга тортилаб, чалғитишнинг нима кераги бор. Майли, бунга ҳам чидадим. Ўқув қуролларини деярли тўлиқ сотиб олдим. Аммо... Мирзо Улугбек туманида жойлашган “Ширин” бозори ичида бир кичик канцелярия молларини сотаётган дўконча бор. Одатда йил давомида шу дўкондан харид қиламиз. Мактаб бозоридан сотиб олган ўқув қуролларини рўйхат қилдим шу дўконга бордим. Ҳисоблатсам, мактаб бозоридан арзонроқ экан. Ўйлаб қолдим, мактаб ярмаркалари нима учун керак?

Масъул ташкилотлар маълум қилади

Халқ таълими вазирлигининг мактаб ярмаркаларида махсулотлар нарх-навоисининг суъний равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик ва уларда тўлов терминалларининг узлуқсиз ишлашини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан доимий назорат йўлга қўйилганини маълум қилишмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечак ва пойабзаллар билан таъминлаш ва ота-оналар учун қўлайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябргача республикамизда жами 1 минг 325 та мактаб ярмаркаси фаолият кўрсатади.

Мактаб ярмаркаларининг 931 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 293 таси бозорлар ва улар атрофларида, 528 таси йирик савдо комплекслари, дўконлар ва аҳоли гавжум жойларда ташкил қилинган.

Республикадаги барча мактаб ярмаркаларида 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви йўлга қўйилган.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутаассиди ташкилотлар вакилларидан иборат Ишчи гуруҳлар тuzилган.

Жойларда ташкил этиладиган мактаб ярмаркаларига асосий турдаги махсулотларни аниқланган ахтиёж асосида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзармасаноат” уюшмалари, “Ўздавкитобсавдотайиноти” мажмуаси, “Шарк” НМАК ва “Шарк зийкорни” МЧЖ етказиб беради. Етказиб берилган махсулотларнинг сакланиши, уларни ёнгиндан саклаш, санитария ҳолатини яхшилаш ва бошқа зарурий хавфсизлик чоралари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Маҳаллий ҳокимликлар, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мактаб ярмаркаларида савдоси ташкил этилаётган махсулотларнинг мамлакатимиздаги амалдаги стандартлар талабларига жавоб беришини ва уларнинг сифатини назорат қилади.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро

МАҲАЛЛА КУТУБХОНАСИ – МАЪНАВИЯТ ГЎШАСИ

Китобхонлиқнинг тарғиб қилишда ва жамиятда муайян ўрин эгаллашини тартибга солишда жуда кўп ташкилот ва муассасалар қатори маҳаллаларнинг ҳам ўз ўрни ва вазифалари мавжуд. Маҳаллаларни илм-маърифат масканига айлантириш, аҳолида китобхонлик маданиятини шакллантириш, фуқароларни китоб мутолаа қилишга қаролаш ва ўргатиш маҳалла фуқаролар йиғини раислари, кенгаш аъзолари ва фаол жамоатчиликнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори эса бу борадаги эзгу ишларни давом эттиришда, халқимиз маънавий дунёсини бойитиш, китобхонлик маданиятини тўғри талқин этиш ва инсонлар ҳаётидаги ўрни ва ролини янги боқсичга кўтаришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Миробод туманидаги “Темир йўлчилар” маҳалласида ўтказилган “Кутубхона – нурухона” мавзусидаги тадбирда ҳам айнан шу ҳақда сўз борди.

Сўзга чиққанлар китоб инсонлар ҳаётини янада мазмунли ва фаровон қилишда, онг ва тафаккурини тарафлантиришда, аҳолининг ақлий фаолияти ва маънавий оламини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

– Миробод туман ҳокимлиги, туман “Маҳалла” жағфармади, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман Кенгаши ва фаол жамоатчилик ёрдамида маҳалламиз қошида бундан бир ярим ой олдин кутубхона ташкил қилдик, – дейди “Темир йўлчилар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Меҳрибон Рағимова биз билан сўбатда. – Бу кутубхона маҳалла аҳлини маданий, маърифий, сиёсий, тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, маънавий дунёсини бойитишда, инсонларни бир-бирлари га меҳр-оқибатли бўлишларида ва хайрли ишларга ундашда ўзининг ижобий самарасини беради. Айниқса, маҳалламиз ёшларини нурли ва саодатли

йўлга бошловчи бир қарвон сифатида хизмат қилади. Биз маҳалламиз аҳли номидан ушбу кутубхонани ташкил этишда ва турли китоблар билан бойитишда яқиндан ёрдам берган туманимизнинг барча мутасадди ташкилотларига миннатдорчилик билдираимиз.

– Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, китобхонлиқнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги салмоғини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, – дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Миробод туман Кенгаши раиси Равшан Фозилов. – Зеро, китоблар ёшларимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, мардлик, жасурлик, ҳалоллик ва тўғрилик каби инсоний фазилатларни камол топтиришга, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади. Шу билан бирга инсонларнинг ички дунёсини эзгулик, яхшилик туйғуларни билан чамбарчас боғлашда энг гўзал восита ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда имкон қадар кутубхонани китоблар билан тўлдирингиз, ёшлар учун совға қилишга интилиб келмоқдамиз.

Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиб борилиши нафақат маҳалла аҳли ва ёшларда, балки барчада китобхонлиқни янада тарғиб қилишга, уни ўқишга ва китобга бўлган муҳаббатнинг ортишида муҳим омили бўлади.

Шу билан бирга, маҳалла кутубхоналарини ташкил этиш ва уларни турли адабиётлар билан таъминланишини қўлайлаштириш ҳамда бу борада олиб борилаётган хайрли ишларнинг қўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ватан бу – ота-она, ака-ука, опа-сингил, ёр, фарзанд, қариндош-уруғ, дўст-биродар. Ватан – бир сиқим туپроғи бебаҳо хазиналарга тенг, муқаддас маскан. Тоза ҳавоси, тақдорларнас зилол сувлари-ю, қайноқ нон исига жо бўлган улуг гўшадир. Тарихи залворли, келажаги буюк ошёндин.

ВАТАНИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК!

Ҳозирги глобаллашув даврида мустақил Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишда, мамлакатимизни бутун дунёга танитишда, бугунги кун ёшлари бор қуч-ғайрати, шижоати, билим ва таърибаси билан бирлашмоқдалар, булар Ўзбекистоннинг қўнғарга парвозида чин камарбасталари борлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам теран фикрли, олдиға улкан мақсадларни қўйган 3000 дан ортиқ талабалар тахсил олмақда. Талабаларимиз мустақил Ватан тақдирини билан ўз тақдирларини чамбарчас боғлаган ҳолда ватанпарвар ва фидойи шифокор бўлишга аҳд қилганлар. Замонавий даволлаш ва диагностика усулларини чуқур ўзлаштириб, янги инновацион технологиялар устида устозлар изидан бориб билим олмақдалар.

Теран фикрли, олдиға улкан мақсадларни қўйган талабаларимиз албатта кўп ишларга қодир. Улар ўз мақсадларига албатта эришадилар. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Ёшлар Ватан учун қанотдирлар. Унинг порлоқ келажагини юқори чўққиларга олиб чиқувчи юрт эгаларидир. Ана шундай буюк широр остида ТТА ёшлари талабаларининг “Келинг – Ватанимизга қанот бўлайлик!” мавзусидаги VII анжумани бўлиб ўтди. Анжуман талабалар ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, ёшларда ватанпарварлик, шукроналик ҳиссини қўчайтиришга қаратилган ҳамда “2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”га бағишланганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Ушбу анжуманда иншолар танлови асосида талабаларини ватанпарварлик, ижодкорлик, ташаббускорликка ундовчи “Менинг орзум”, “Келинг – Ватанимизга қанот бўлайлик!”, “Тиббиётнинг барҳаёт сиймоли”, “Менинг академиям илму маърифат маскани”, “Устозим ҳаётим чироғи”, “Менинг оилам – менинг бахтим”, “Менинг маҳаллам – менинг фахрим”, “Менинг фикрим”, “Би-

лимлар мўътабар китоблардадир” каби мавзуларда ҳамда инновацион гоғ ва технологияларни жорий қилишга бағишланган тиббиёт соҳасига кириб келиш кутилаётган инновацион технологиялар ҳақида маърузалар тингланди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари бўлган интилувчан талабаларнинг “Менинг орзум” мавзусидаги қарашлари билан танишиб келажаққа ишонч, умид, улкан зафарлар орзусини кўрдик.

Эндигина талабаланик оstonасига кадам қўйган 1-босқич талабаларининг орзу-истаклари сўровнома таҳлиллари асосида шуни кўрсатадики, талабанинг ўй-фикрларида ҳаёлот, самовот ўйлари гавдаланса, юқори босқич талабаларининг орзуларида аниқлик, келажаққа пухта режа, аниқ мақсад ўйлари билан боқиш, эртанги кун истиқболини теранлик билан кўра билиш, тушуниш мумкин. Демакки, қарийб барча талабалар, эл қорига яровчи оқ либос соҳиб, қўли енгил шифокор, халқ ардоқидиғи саломатлик посбони бўлиш орзусидалар. Бўлажақ шифокорларнинг орзулари самоларга туташ даражада зиё сочмоқда.

Истаймизки, нурли, шуқуҳли орзуларингиз ушалсин, армонга айланмасин. Келажақ эгалари, юрт эртасининг нурафшон осмонидида умид гулдасталарини тортиқ қилган ҳолда олға кадам бошишга тилақдошимиз. Аниқ бир мақсад, тинимсиз ҳаракат умумий натижани келтириб чиқаради. Бўлажақ шифокорнинг орзулари келажақда тиббиётни янада ривожлантиришга замин бўлиб хизмат қилади. Юксак маънавий онг, чин инсонпарварлик гоғлари ила шаклланаётган эртанги кун эгаларини чин маънода оқ либосига доғ тушрмайдиغان қомил инсон, кўнгли пок, қарашлари теран шифокор этиб тарбиялаш ва камол топтириш олдимишга қўйган асосий вазифалардан биридир.

Турдикул БОБОМУРОДОВ,
Тошкент Тиббиёт академиясининг маънавият-маърифат ишлари бўйича проректори, профессор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиغان очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2018 йил 8 августдаги 323/01-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Яққасарой кўчаси, 5-уй манзилида сақланаётган, қуйидаги автомобилотранспорт ва техникалар қўйилмоқда: 1) “ПАЗ 672” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 228 DCA бўлган техник саз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 636 667 сўм; 2) “ПАЗ 672” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 208 DCA бўлган техник саз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 770 000 сўм; 3) “ПАЗ 672” русумли 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 215 DCA бўлган техник саз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 570 000 сўм; 4) “ПАЗ 672” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 210 DCA бўлган техник саз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 770 000 сўм; 5) “ПАЗ 672” русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 236 DCA бўлган техник саз автобус. Бошланғич баҳоси – 5 903 333 сўм; 6) “ПАЗ 3205” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 193 DCA бўлган техник саз автобус. Бошланғич баҳоси – 3 487 143 сўм; 7) “ГАЗ 2411” русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 205 DCA бўлган техник саз автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 6 668 889 сўм; 8) “ИЖ 2715” русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 231 DCA бўлган техник саз автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 2 123 132 сўм; 9) “М 412ИЭ” русумли 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 197 DCA бўлган техник саз автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 2 620 513 сўм; 10) “САЗ 3503” русумли 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 198 DCA бўлган техник саз автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 6 645 996 сўм; 11) “Мотороллер MEILUN” русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз мотороллер. Бошланғич баҳоси – 924 048 сўм; 12) “Погрузчик Львовский вилочный 5 тонн” русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз погрузчик. Бошланғич баҳоси – 10 570 689 сўм; 13) “Вилочный погрузчик электрический г/п 1,5 тонн” русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник саз погрузчик. Бошланғич баҳоси – 6 021 097 сўм; 14) “Самосвал МАЗ 5549” русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 213 DCA бўлган техник саз автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 6 117 553 сўм.

Автоматотранспорт восталари **2018 йил 28 август** куни соат 11:00 да ўтказилади.

2018 йил 28 август кунидиға аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2018 йил 18 сентябрь ва 9 октябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Савдолар учун: аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 28 августдаги савдо учун 24 август, 18 сентябрдаги савдо учун 14 сентябрь куни, 9 октябрь савдо учун 5 октябрь куни соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Савдо голибига 15 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотиб шартномаси тузиш, мажбурияти юклатилади.

Талаборлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр Банк” Яққасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200933850. Аризалар қабул қилинадиган савдо ўтказилади-ган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уй. Телефон: (8-371) 227-91-82. www.rmm.uz.

Гувоҳнома: 001580.

• Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаларининг соғлом овқатланишини йўлга қўйиш мақсадида ташкилотлар ўртасида талабалар ошхонасини юритиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Тел: 267-67-69.

БАРЧА ЛОЙИҲА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали

Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Боғишамол кўчаси, 282-уй манзилида

ҚУРИЛИШ РЕЖАЛАНТИРИЛАЁТГАН БАНК ФИЛИАЛИ

биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш бўлими

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИДИ

Таклифлар 2018 йилнинг 24 август куни соат 17:00 гача қабул қилинади.

Тел: (+99871) 150-77-02, (+98) 115-07-34.

№	Лот рақами	Литер рақами	М2	Жойлашган жойи
1	Лот-1	Литер-0004	592	Литер-0004 биносининг ички тарафи
2	Лот-2	Литер-0000	3168	Ер майdonи
3	Лот-3	Литер-0001	4000	Литер-0001 биносининг олд қискидаги ер майdonи
Жами:			7760	

“Яққасарой тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Яққасарой тумани, Миробод кўчаси, 12-уй, 5-хонадон учун Маматкулова Латофат Шермухаммадова номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиғи сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХМАТ ДАРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Мамлакатимизда шахмат ўйинини янада ривожлантириш бўйича мактаб дастурлари доирасида 150 та таълим даргоҳида шахматга ўқитиш ишлари ташкил қилинди.

Кун кеча Халқ таълими ва зирлиги таърифи тарихида шахмат спортга ўргатиш ташкил қилинадиган мактаблар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра пойтахтимиздаги ҳар бир тумандан

бир нечта мактаблар танлаб олинди.

Юнусобод ва Яккасарой туманларида учтадан, Олмазор, Миробод, Мирзо Улуғбек, Сергели, Чилонзор, Яшнобод туманлари

да иккитадан, Бектемир, Шайхонтоҳур, Учтепа туманларида эса биттадан умумтаълим мактабларида жорий ўқув йилидан бошлаб малакали устозлар шахмат дарсларини ўқитиши маълум бўлди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ТОШКЕНТДА ЙИГИНГА КИРИШАДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий сифатида тайинланган аргентиналик мутахассис Эктор Купер дастлабки ишни футболчиларни кўздан кечиришдан бошлаш ниятида.

Шу мақсадда Эктор Купер учун 22 августдан 1 сентябрга қадар Тошкентда ўқув машғулот йигини ташкил қилинади. Йигин бошида асосан миллий чемпионатимизда тўп сураётган футболчилар кўздан кечирилса, август ойи охирида хорижда тўп сураётган легионер футболчилар ҳам таркибга келиб қўшилишади.

Терма жамоага номзод футболчиларни кўздан кечириш ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси

асосини шакллантириш учун Эктор Купер ва унинг ёрдамчилари режа асосида иш олиб боришади. Шунингдек, Ўзбекистон миллий термаси учун Сурия, Шимолий Корея, Қатар каби терма жамоалар билан ўртоқлик ўйинлари ўтказиш бўйича келишувга эришилди. Мазкур ўйинлар орқали Купер ва унинг ёрдамчилари Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий таркибини шакллантириб боришади.



ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИЛАРИМИЗ РИНГГА КЎТАРИЛАДИ

Россиянинг Екатеринбург шаҳри жорий йилнинг 19 август кун яна бир йирик профессионал бокс кечасига мезбонлик қилади.

Мазкур бокс оқшомида тўққизта профессионал жанг ўтказилиши режалаштирилган. Уларнинг ўртасида 3 нафар ҳамюртимиз – Равшанбек Умурзоков, Сардор Музаффаров ва Жалолиддин Ўктамов юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Равшанбекка бу тўқнашувда Филлипинлик, 36та жангда рингга кўта

рилган, тажрибали Эден Сонсона рақиблик қилса, Сардор Музаффаров россиялик енгилмас боксчи Мурад Рабаданов билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиб олади. Вакилларимиз иштирокидаги учинчи бахсда эса Жалолиддин Ўктамов камерунлик Даниэл Негатга қарши рингга чиқади.

Ботир ХҲАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.02.2017 йилдаги ПК-2796-сонли қарори ижроси юзасидан Шайхонтоҳур туманида ўтказилган хатловда аниқланган аввал хусусийлаштирилган қурилиш тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари рўйхати қиритилаётган объектлар рўйхати

№	СТІР	Мулкдор номи	Объект жойлашган манзили	Объект майдони (кв.м.)	Бино-иншоотлар майдони (кв.м.)	Бўш бино-иншоотлар тўғрисида маълумот			
						ер майдони (кв.м.)	бино майдони (кв.м.)	объект номи	ҳолати
АА	1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	207201292	"ROTOR-GARANT" МЧЖ	Эшон Бобоход кўчаси, 2а-уй	9 144,00	7 879	1 400,00	5 904	ишлаб чиқариш ҳудуди	қурилиши тугалланмаган
2	200933795	"INTERVIEW BSNES" МЧЖ	Беруний кўчаси, 32-уй	1 696,00	1 947	1 696,00	1 926	офис	бўш турган
3	203814102	"RUXSALIS" ХК	Бунёдор шох кўчаси, 6а-уй	239,00	236	239,00	236	ошхона	бўш турган
4	205073803	"HUA-BAO SERVIS" МЧЖ	Узгарип-Кирки кўчаси, 11-уй	2 479,00	1 066	2 479,00	1 066	маъмурий бино	бўш турган
5	201710320	"EHTYOI MOLLARI" МЧЖ	Пахтачи кўчаси, 56-уй	1 030,00	704	1 030,00	564	ишлаб чиқариш ҳудуди	бўш турган
6	200799550	"CHILONZOR-TAOM" МЧЖ	Қизилсувча кўчаси, 27а-уй	3 087,00	596	3 087,00	565	собиқ боғча	бўш турган
7	200897872	"LORIKA Ltd" ҚК	Хадра мавзеси, 56а-уй	1 600,00	3 878		80	Хадра меҳмонхонаси	бўш турган
8	300069238	"LAZ" МЧЖ	Самарқанд Дарвоза кўчаси	1 012,00	1 270	1 012,00	52	маъмурий бино	бўш турган
9	201837960	"ESKI JUVA DEHQON BOZORI" АЖ	Ибн Сино-1 мавзеси	4 571,00	3 385	4 571,00	3 385	Ибн Сино бозори	бўш турган
10	304945695	"INTER TOURISM" МЧЖ ҚК	Чорсу майдони, 1-уй	19 664,00	32 754	19 664,00	32 754	Чорсу меҳмонхонаси	қурилиши тугалланмаган
11	200842750	"SURAT" ХК	Истироҳат кўчаси, 59-уй	822,00	794	822,00	710	дўкон	бўш турган
12	200950324	"TARIBA-TEKNIK KORXONASI" МЧЖ	Гулобод мавзеси, 103-уй	15 095,00	16 217	15 095,00	7 800	завод ҳудуди	бўш турган
13	302740099	"KOKCHA TEKSTIL" МЧЖ	Бешкайрағот кўчаси, 2-уй	186 847,00	115 741	186 847,00	115 741	фабрика	бўш турган
14	200898483	"UZGIP" МЧЖ	Навоий кўчаси, 44-уй	6 088,00	14 294	6 088,00	4 485	маъмурий бино	бўш турган
15	200796895	"O'ZEL TEXSANOAT" АЖ	Фуркат кўчаси, 1-уй	1 450,00	6 514	1 450,00	6 514	маъмурий бино	бўш турган
16	201138485	"TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON" АЖ	Навоий кўчаси, 6-уй	377,00	449	377,00	449	дорихона	бўш турган
17	201055090	"TRASTBANK" ХАБ	Навоий кўчаси, 7-уй	4 018,00	11 726	4 018,00	11 718	маъмурий бино	қурилиши тугалланмаган
18	301622024	"MONOLITH BUSINESS GROUP" МЧЖ	Лабзак кўчаси, 2-уй	16 147,00	440	16 147,00	375	фабрика	бўш турган
19	201053553	"O'ZBEKTELEKOM" АЖ	Боғкўча	2 963,00	3 281	2 963,00	3 000	АТС-242	бўш турган
20	200916619	"OQ-TERA-TIMSOL" МЧЖ	Хумлонсой кўчаси, 7-уй	3 529,00	4 521	3 529,00	4 521	ишлаб чиқариш ҳудуди	бўш турган
21	201837960	"ESKI JUVA DEHQON BOZORI" АЖ	Беруний кўчаси	148 195,00	42 708		450	дехкон бозори	бўш турган
22	301327643	"ECO-FOOD RA" МЧЖ	Эшон Бобоход кўчаси, 67а-уй	4 580,00	184	4 580,00	146	ҳудуд хисми	бўш турган
23	471120950	Аминов Махмуд Рихсибаевич	Гулобод мавзеси, 7-уй	277,00	323		52	дўкон, ошхона	бўш турган
24	531901613	Иброҳимов Шохрух Эгамберди ўғли	Боғкўча, 1-уй	920,00	568	920,00	568	ошхона	бўш турган
25	200892555	"HUR OMAD" МЧЖ	Самарқанд Дарвоза кўчаси	1 956,00	2 163	1 956,00	1 000	дўкон, ошхона	бўш турган
26	206958055	"MK INVEST" МЧЖ	Махтумқули кўчаси, 1-уй	1 608,00	3 847		250	маъмурий-ишлаб чиқариш ҳудуди	бўш турган
27	202872468	"XALQISTEMOL TOVARLARINING KORGAZMA-YARMARKA SAVDOSI RESPUBLIKA MARKAZI" АЖ	Беруний кўчаси, 41-уй	39 978,00	29 652	39 978,00	10 000	ярмарка	бўш турган
28	302659103	"ALPOMISH SAVDO QATORLARI" МЧЖ	Беруний кўчаси, 41-уй	14 168,00	8 083	14 168,00	4 083	ярмарка	бўш турган
29	491484615	Халтаев Шухратжон Абдувахобович	Чорсу майдони, 116-уй	281,00	224	281,00	224	дўкон	бўш турган
30	200842459	"SARXUMDON-S" МЧЖ	Маннон Уйгур кўчаси, Интизом тор кўчаси	42,00	42	42,00	42	дўкон	бўш турган
31	200916665	"OSIYO RESTORANI" МЧЖ	Лабзак мавзеси, 5-уй	3 920,00	4 864		600	ресторан	қурилиши тугалланмаган
32	204187717	"SEVEN STARS TRADING" МЧЖ	Лабзак мавзеси, 21-уй	956,00	845	956,00	790	ошхона	қурилиши тугалланмаган
33	200829916	"VIRTEC" ҚК	Лабзак мавзеси, 36-уй	1 200,00	5 735	1 200,00	5 735	офис	бўш турган
34	302180314	"BIPOLYAR-TRANZISTOR" ХК	Бекзод кўчаси, 13-уй	730,00	404	730,00	404	собиқ ҳаммом	бўш турган
35	301549944	"DAVR-SZ-BIZNES" МЧЖ	Лабзак кўчаси, 84-уй, 4-хонадон	61,00	61	61,00	51	офис	бўш турган
36	206957112	"GLOBAL INSURANCE GROUP" МЧЖ шаклидаги сугурта ташкилоти	Туркқўрган кўчаси, 69-уй	641,00	56	641,00	56	иқтисодий маҳсулотларни қабул қилиш пункти	бўш турган
37	203069404	"JAMOLNURI" ХК	Самарқанд Дарвоза кўчаси, Житох тор кўчаси, 121-уй	90,00	85		30	дўкон	бўш турган
38	474559734	Юсупова Мавжуда Хусановна	Тахтатул кўчаси, 17а-уй	158,00	228	158,00	228	дорихона	бўш турган
39	449333308	Махмудова Дилбар Қазомовна	Бешбўғч мавзеси, 86-уй	61,00	61	61,00	61	офис	бўш турган
40	487776458	Юлдашев Махмуджон Сабирович	Октепа мавзеси, 16-уй	112,00	103	112,00	112	дорихона	бўш турган
41	447856132	Джурасов Отабек Зарипович	Маннон Уйгур кўчаси, 143-уй	1 437,00	1 348	1 437,00	1 348	новояхона	қурилиши тугалланмаган
42	202354945	"GROTEKS" МЧЖ ҚК	Навоий кўчаси, 30-уй	2 630,00	3 087		448	офис, ошхона	бўш турган
43	600877180	Шамхурмуҳаммад Сураё Абдуҳакимовна	Навоий кўчаси	283,00	1 055		169	офис	бўш турган
44	471759692	Алиева Малика Рашидовна	Хадра мавзеси, 25-уй	238,00	196	238,00	196	дўкон	бўш турган
45	487114046	Абдулҳанова Шахнонам Ариповна	Навоий кўчаси, 2/2-уй	264,00	264	264,00	264	офис (ертўш)	бўш турган
46	200844083	"ELZA" МЧЖ	Абдулла Қодирий кўчаси, 1а-уй	475,00	326		160	саратрошхона	бўш турган
47	304788646	"PRINTUZ" ХК	Абдулла Қодирий кўчаси, 78-уй	3 406,00	8 910	3 406,00	7 230	босмахона	бўш турган
48	301267520	"MAK-KUR SERVIS" МЧЖ	Пахтакор кўчаси, 5-уй	12 376,00	16 993		1 111	туристик хизмат кўрсатиш биноси	бўш турган

ЎЗ ВАҚТИДА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Бугунги кунда контрабанда ашёларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш мақсадида божхона органлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда мунтазам тизимли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу эса ўз навбатида сарҳадларимиз орқали заҳри қотилнинг ҳаракатланишига ҳеч қандай имкон қолдирмаяпти.

Яқинда Давлат божхона қўмитасининг Контрабанда ва божхона қонунбузилишига қарши курашиш божқармаси ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказилди. Унга кўра жорий йилнинг июнь-июль ойларида Тошкент шаҳар Божхона божқармаси "Бош почтампт" ТИФ божхона пости "Халкаро почтампт" филиалига Буюк Британия ва Голландия давлатларидан Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Л.Д. номига гиёҳвандлик воситалари келгани аниқланди.

Божхона ходимлари калаванинг учини топиш мақсадида арқонни узун ташлашди ҳамда тегишли почта жўнатмаларини Самарқанд шаҳар почта хизматида топшириб, фуқаро Л.Д.ни тезкор қўзғатувга олишди. Натижада фуқаро почта хизматида ўзининг "совга"ларини қабул қилиб олаётганида божхоначилар томонидан уюштирилган қўтилмаган "совга"га дуч келиб қолди.

Шундан сўнг фуқаро Л.Д.нинг уйи ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, ушбу хонадонда умумий миқдори 84,4 грамм бўлган ҳар хил турдаги гиёҳвандлик моддалари ва гул тувакка экилган "марижуана" ўсимлиги борлиги аниқланди. Бузоқнинг юргани сомонхонагача деганларидек фуқаро Л.Д.нинг кирдикорларига божхоначилар томонидан ўз вақтида чек қўйилди.

Ҳозирги кунда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари амалга ошириляпти.

Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Юнусобод кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси Сизларни корхона ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни узок муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПК-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПК-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва 2017 йил 24 октябрдаги 872-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли ва 2017 йилнинг 28 октябрдаги 1452-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 14 августдаги 18-сонли баёни.

"Юнусобод кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК

- Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160-уй.
- Умумий ер майдони: 16,39га.
- Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони: 9 та лот.
- Жами ижарага берилаётган майдон: 4767,9 кв.м.

● Коммуникация тармоғи: электр энергияси ва совуқ сув билан таъминланган.

● Саноат зонасининг йўналиши: саноат ва халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

● Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили: "Юнусобод кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160-уй.

Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати:

Танловда қатнашиш учун қуйидаги маълумотларни 2 нусхада ва ҳар бир варағи танловда қатнашиш истифодасида бўлмаган шахс тарафидан имзоланган ва муҳрланган, танлов таклифлари топширилиши лозим.

Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир нечта лотларга таклифлар топширишлари мумкин. Таклифлар 2018 йил 13 сентябрь соат 18:00га қадар қабул қилинади.

Танлов ўтказиш санаси: 2018 йил 14 сентябрь соат 15:00.

Танлов ўтказиш манзили: "Юнусобод кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160-уй.

Маълумот учун телефонлар: 234-36-21, 744-71-87. Электрон почта манзили: YKSZBDUK@mail.uz

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси – 20-22, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 16 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтампти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терғиди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г-835

Ҳажми — 2босма табоқ, офсет усулида босилади.
4986 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 15.10